

**МАЙМУНЧЕЧАК ЭТИОЛОГИЯСИ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, КЛИНИКАСИ
ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР**

Содикова Дурдона Султонмуродовна,
услубий бўлим мудири, лаборатория фани ўқитувчиси,

Кармалиева Дилдора Қодиржоновна,
санитария эпидемиологик тартиб меъёрлари ва инфекцион назорат фани
уюқитувчиси, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини
ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Фарғона филиали,
Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация:

ушбу мақолада маймунчечак касаллиги этиологияси, эпидемиологияси, Ўзбекистонга
кириб келишини олдини олиш, касаллик қайд этилган тақдирда эпидемиологик назорат
олиб бориш бўйича Республикада олиб борилаётган ишлар хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: фавқулотда холат, зооноз касаллик, папула-пустулали тошмалар,
Ғарбий Африка клади ва Конго худуди (марказий Африка) клади.

Кириш

1970-дан бошлаб Маймун чечаги билан касалланиш ҳолатлари Африканинг 10 та
давлатида қайд этилган.

2003-йилда АҚШда одамлар ўртасида 47 та тасдиқланган ҳолат қайд этилди, улар эса,
маймун чечаги вирусини Африкадан келтирилган олахуржун кемирувчилардан
юқтириб олганини исботлашди.

7-май 2022-йилда Европада (Буюк Британия) биринчи марта маймун чечаги билан
касалланиш ҳолати қайд этилган.

Осиёда маймунчечак эпидемияси Покистон (2023-йилда 11 та ҳолат қайд этилган, ўлим
ҳолати йўқ. 2024-йилда 1 та ҳолат қайд этилган); Таиланд ва Филиппин давлатлари
(Эпидемиологик ҳолат ва олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот
берилмаган) да қайд этилди (2024-йил 22-август ҳолатига).

Австралияда 2024-йил июнь ойидан буён 93 та ҳолат қайд этилди. Шветцияда африка
штаммидан ташқари clade-1 штамми билан касалланиш қайд этилган. Европа соғлиқни
сақлаш органлари вируснинг тарқалиш хавфини паст деб баҳолаб, чегара назоратини
жорий этишни истисно этмоқда.

2024-йил 14-август куни ЖССТ Африкада тарқалаётган маймун чечагининг Clade-1
штаммининг янги тўлқини туфайли фавқулотда ҳолат эълон қилди.

МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Маймун чечаги – табиий ўчоқли, вирус қўзғатадиган зооноз касаллик ҳисобланиб,
иситмалаш, организмнинг умумий заҳарланиши ҳамда терида ўзига хос папула-
пустулали тошмалар тошиши билан кечадиган ўта хавфли юқумли касалликдир.

Маймун чечаги вируси чечак гурухи вирусларига кириб, биологияси ва антигенининг тузилиши жиҳатидан сигир чечаги, оспавакцина (паравакцина) вирусларига нисбатан чин чечак вирусига яқин туради.

Маймун чечаги қўзғатувчиши Roxviridae оиласига, Orthopoxvirus авлодига мансубдир. Вируснинг ўлчамлари $220\text{-}450\times140\text{-}260\times140\text{-}260\text{nm}$ ва $250\text{-}300\times160\text{-}190\text{nm}$ бўлиб, тухумсимон шаклга эга. Юза мемранаси липопротеинлардан иборат бўлиб, вирион ичидаги икки томонлама эгилган ёки цилиндрический ядро - мембрана билан ўралган нуклеопротеин мажмуаси, вирус ДНК геноми ва оқсилларни ўз ичига олган мавжуд. Маймун чечаги вирусининг Фарбий Африка клади ва Конго худуди (марказий Африка) клади мавжуд.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ

Маймун чечаги қўзғатувчисининг табиий резервуари асосан тропик ўрмонларнинг нам худудларида яшовчи кемирувчилар бўлиб, улар потенциал инфекция резервуари бўлиши мумкинлиги аниқланган.

Маймун чечаги вирусининг табиатда мавжудлиги Funisciurus ва Heliosciurus туркумига мансуб қўзғатувчиларнинг олмахонга ўхшаш кемирувчи ҳайвонлар оқсиллари орасида патогенга айланиши билан боғлик.

Инфекциянинг манбаи ва ташувчи бўлиб, Cercopithecus (71%), Colobus (12%), Cercopithecus (8%) авлодининг приматлари хизмат қиласди.

Маймун чечаги вируси биринчи марта 1958-йилда Копенгагенда Сингапурдан олиб келинган циномольгус маймунларининг касаллик тарқалган колонияларида аниқланган.

Одамларни 1970-йилдан 1984-йилгача маймун чечаги билан касалланишининг аксарияти Зоирда қайд этилган. Бироқ, инфекция резервуарлари Фарбий Африка давлатларининг қирғоқ бўйи худудларида ҳам учраган. Фарбий ва Марказий Африкадаги нам тропик ўрмонларнинг асосий қисми Зоир давлатида жойлашган. Шунинг учун ҳам ушбу худудда касалланиш кўрсаткичлари юқори.

Чечакга қарши мажбурий эмлашни бекор қилиш, табиийки, ушбу инфекцияга мойил бўлган шахслар популяциясининг кенгайишига ва одамларда маймун чечаги билан касалланишининг қўпайиши учун зарур шарт-шароитларни юзага келтиради. Шу билан бирга, аҳоли орасида чечакка қарши иммунитетнинг паст даражаси иммунитетга эга бўлмаган шахсларда касалликнинг клиник қўринишининг кучайишига кузатила бошлади.

1996-йилнинг бошига келиб, ЖССТ нинг маймун чечагига қарши курашиш марказлари, касалликнинг спорадик ҳолатлари ҳақида хабар беришди. Улар Фарбий ва Марказий Африканинг нам тропик ўрмонларида жойлашган кичик қишлоқларда спорадик ҳолатларда пайдо бўлган. Бироқ, ҳозирги кунга қадар маймун чечаги қўзғатувчисининг одамдан одамга юқиши ҳолатлари чечакка қарши иммунитетнинг йўқолиши негизида ортиб бормокда (1996-1997 йилларда Зоирда маймун чечагининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотларга мувофиқ).

Касаллик ҳайвонлардан одамларга, ҳайвонларнинг биологик суюқликлари, жумладан сўлак томчилари билан мулоқатда бўлгандан, ҳайвон тишлигандан, тирналгандан юқади.

Маймун чечаги касаллиги одамдан одамга майшний мулоқот, ҳаво-томчи ва жинсий алоқа йўли билан юқади. Юқиш омиллари: бемор билан бир хонада ухлаш, яшаш, бир идишдан фойдаланиш.

КЛИНИКАСИ

Касалликнинг инкубацион даври (касаллик юқишидан белгилари пайдо бўлгунига қадар бўлган давр) 5 кундан 21 кунгача (одатда 7-14 кун) давом этади. Касаллик ўткир, тўсатдан бошланади, тана ҳароратининг кўтарилиши, титроқ, ҳолсизлик, бош ва мушак оғриғи, айрим ҳолларда томоқда оғриқ ва йўтал безовта қиласи, шунингдек бош айланиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш ҳам кузатилиши мумкин. Касалликнинг кейинги белгилари чинчечак касаллигининг енгил ва ўрта оғир шаклларига ўхшаёт. Маймун чечагининг одам чечагидан фарқи, беморларнинг деярли 90 фоизида лимфаденит мавжудлигидир. Одатда лимфаденит иситма кўтарилиши билан, тошма пайдо бўлишидан 1-2 кун олдин ёки камдан-кам ҳолларда тошма пайдо бўлиши билан ривожланади. Лимфа тугунлари бўйин (пастки жағ ва бўйин), кўлтиқ ости ёки чов соҳасида катталашиши ва тананинг иккала томонида ёки фақат бир томонида пайдо бўлиши мумкин. Тана ҳарорати кўтарила бошлаганидан кейин 1-4 кун оралиғида беморда тошма пайдо бўлиб, аввал юзда, кейин кўлларда, кейин бутун танани қоплади. Кўпинча оғизда энантемалар пайдо бўлади. Тошмалар кўз ва генитал соҳаларни ҳам қамраб олиши мумкин. Шу билан бирга, тошмалар геморрагик бўлиши ёки катта буллаларга бирлашиши мумкин. Тошма аввал терида диаметри тахминан 6-10 мм бўлган доғ пайдо бўлиши билан бошланади, сўнгра бу жойда папула ҳосил бўлади ва у кейинчалик везиқулага айланади (шаффоф суюқлик билан тўлган пуфакча), сўнгра пуфакча қуриб қорақўтирга (струп, коркага) айланади ва қорақўтириб тушиб кетгач ўрнида чандиқланиш, очроқ ёки тўқроқ тери доғлари қолиши мумкин. Бу вақтда беморнинг аҳволи кескин ёмонлашади, тахикардия пайдо бўлади, нафас олиш тезлашади, қон босими пасаяди, кейин беморнинг аҳволи аста-секин яхшиланади. Касалликнинг оғирлиги инфекциянинг юқиш йўлига ва вирус штамига (Фарбий Африка ва Марказий Африка вирусларининг генетик гурухлари) боғлиқ бўлиши мумкин. Фарбий Африка маймун чечаги вируси касалликнинг енгил кечиши, ўлим ҳолатларининг камлиги ва одамдан одамга юқишининг чекланганлиги билан боғлиқ. Маймун чечаги вирусининг Марказий Африка штамми оғир кечиши ва ўлим ҳолатларининг кўплиги билан Фарбий Африка маймун чечаги вирусидан фарқланади. Беморда энантема пайдо бўлиши бошидан қатқалоқ босқичигача бошқа одамлар учун юқумли ҳисбланади.

Одатда касаллик енгил кечади, ўлим ҳолатлари асосан эмланмаганларда кузатилади. Энцефалит, менингоэнцефалит, зотилжам, сепсис каби асоратлар ривожланиши мумкин.

2024-йил 14-август куни ЖССТ Африкада тарқалаётган маймун чечагининг Clade-1 штаммининг янги тўлқини туфайли фавқулотда ҳолат эълон қилди.

Ўзбекстонга маймунчек кириб келш эҳтимоли мавжуд, лекин тарқалиш ҳавфи жуда паст эканига қарамасдан мамлакатимизга ушбу касаллик кириб келган тақдирда кечиктириб бўлмайдиган ишлар юзасидан қуйидаги чоралар кўрилди:

- Шифо ўринлари ва дори воситалари захираси ташкил этилди.
- Мулоқотда бўлғанларни 21 кун мобайнида тиббий кузатувини ташкил этиш учун тегишли шароитлар яратилди.
- Касалликнинг чет элдан кириб келишини ва тарқалишини олдини олиш борасида халқаро аэропортларда, темир йўл ва автомобил йўллари орқали чегара кесишган жойларда санитария назорати пунктлари мутахассисларининг хушёрганини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.
- Маймун чечаги касаллигининг этиологияси, клиникаси, эпидемиологияси, ва профилактикаси бўйича услубий қўлланма асосида мутахассисларнинг малакаси оширилиб борилмоқда.
- Шунингдек, касалликни лаборатор аниқлаш учун тест-диагностикум захирасини бойитиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. 2023-йилда келтирилган тест системалари худудларга етказиб берилди, улардан фойдаланиш бўйича мутахассисларнинг кўникмалари ошириб борилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан яратилган “Маймун чечаги касаллигининг этиологияси, эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, даволаш ва олдини олиш чоратадбирлари” (Услубий қўлланма) 2022-йил 23-май.
2. Маренникова С. С., Щелкунов С. Н. Патогенные для человека ортопоксвирусы. – М., KMK Scientific Press Ltd., 1998. – 386 с.
3. Chastel C. Human monkeypox // Pathol. Biol. (Paris). – 2009. – Vol. 57, N 2. – P. 175–183.
4. Rimoin A. W., Mulembakani P. M., Johnston S. C. et al. Major increase in human monkeypox incidence 30 years after smallpox vaccination campaigns cease in the Democratic Republic of Congo// Proc. Natl Acad. Sci. USA. – 2010. – Vol. 1. – P. 16262–16267.
5. Gazeta.uz
6. Кадиров, М., & Каримова, Г. (2017). ИННОВАЦИОННЫЕ, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ЮРИДИЧЕСКИЕ КЛИНИКИ. In Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017) (pp. 528-532).